# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 62 «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида

Халқимизнинг асрий анъаналарини ҳисобга олиб, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эътибор муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида, шунингдек 2016 йил Ўзбекистон Республикасида «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин, қуйидагилар унинг устувор вазифалари ва амалга оширилиши йўналишлари этиб белгилансин:

оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш;

никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрик-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 22 февраль ҳолатига



дан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш ҳамда ушбу мақсадларда поликлиникаларни замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини аҳоли кенг қатламлари онгига сингдиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш;

ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш;

мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эр-хотин ўртасида, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин ўртасида, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат руҳини шакллантириш;

қиз болаларни — бўлажак оналарни — жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, уларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида албатта таълим олишини, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларида, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланган ҳаётга бўлган мустаҳкам нуқтаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш;

соғлом болани вояга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирларини таъминлаш;

дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар таш-



WWW.LEX.UZ

килотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 10 декабрдаги Ф—4577-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссиясига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси (Ш. Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларга Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий масъулиятни юкласин;

икки ҳафта муддатда — вазирликлар, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Соғлом она ва бола йили» тармоқ ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини;

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишига қаратилган ишларни давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражасида мувофиқлаштирилишини таъминласин, тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборот тақдим этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет тармоғи жалб этилган ҳолда аҳоли орасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда амалда иштирок этиши



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 22 февраль ҳолатига



ва аниқ улуш қўшиши акс эттирилган ҳолда унинг амалга оширилишидан кенг жамоатчилик доимий равишда хабардор қилинишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 9 февраль,
ПҚ–2487-сон



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 9 февралдаги
ПҚ–2487-сон қарорига
ИЛОВА

## «Соғлом она ва бола йили»
## ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш** | | | | | | |
| 1. | Янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2016 йил I чорак | Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ИИВ, «Камолот» ЁИҲ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солувчи механизмларни такомиллаштиришни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси.<br>Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоянинг махсус чора-тадбирларига муҳтож бўлган ёшлар (кам таъминланган ёш оилалар)га доир муносабатларни қўшимча иш жойлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака оширишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, ташкилотлар томонидан уларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйишда ёрдам бериш йўли билан тартибга солишга имкон беради. |
| 2. | «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига уч ёшгача болалари бўлган барча аёлларга (бола парвариши таътилига чиққанидан қатъи назар) нисбатан уларни | 2016 йил II чорак | Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, | - | - | Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритиш ҳисобига жиноят қонунчилигини янада эркинлаштиришга йўналтирилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, манфаатдор вазирлик ва идоралар | | | |
| 3. | «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига таркибида модификациялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек болалар овқатида генетик модификациялаштирилган организмларни қўллашга тақиқ жорий этишга йўналтирилган қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2016 йил III чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» АЖ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | - | - | «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 4. | «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига боланинг соғлиғини муҳофаза қилинишига, болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, шунингдек шахсда мавжуд бўлганда етим болалар ва ота-онасини қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик (ҳомийлик) белгиланиши рад этиладиган касалликларни белгилаш тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.<br>Ота-она қаровисиз қолган етим болалар ва етимлардан қайсиниси тўлиқ давлат таъминотида бўлишини, тўлиқ давлат таъминотига қўйиш қандай тартибда ва қайси давлат органи томонидан расмий- | 2016 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | - | - | «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лаштирилишини аниқловчи нормаларни киритиш. | | | | | |
| 5. | «Мурувват» интернат-уйларида, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ногирон болалар учун кундузги парваришлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2016 йил III чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар | - | - | Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни интернатларга жойлаштиришнинг олдини олиш мақсадида «Мурувват» болалар интернат-уйлари ҳузурида комплекс психологик-педагогик, тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, реабилитация ва ижтимоий мослашув билан бир вақтда ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг оилага ва оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини, оилавий маънавий қадриятларни асраб-авайлашни таъминлаш имконини берадиган ногирон болалар учун кундузги парваришлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. |
| **II. Олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш** | | | | | | |
| 6. | Республиканинг олис қишлоқ жойларида банкларнинг имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ҳамда ер майдонлари тақдим этиш орқали «Гўзаллик салони», модалар ательеси, электромаиший техникалар ва оёқ кийим таъмирлашни ўз ичига қамраб олган 194 та намунавий маиший хизмат комплексларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Ишлаб чиқиш — 2016 йил I чорак Амалга ошириш — йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари, Молия вазирлиги, Марказий банк, ССП | 19 400,0 | Тадбиркорлар маблағлари, тижорат банклари кредитлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.<br>Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қўшимча турларини ривожлантириш, аёлларнинг кундалик уй ишларини енгиллаштириш, аҳолини сифатли хизмат кўрсатиш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринларини айниқса касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун ташкил этиш, шунингдек аҳоли даромадларини ошириш. |
| 7. | Республиканинг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларида яшовчи кам | Йил мобайнида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 1 800,0 | Касаба уюшмалари | Касаба уюшмаси ташкилотларининг қарорлари. |

WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 22 феврал ҳолатига



| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | таъминланган оилаларнинг 3 000 нафар аёлига электр-маиший техника товарларини бепул бериш. | | | | маблағлари | Хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш ва зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш. |
| 8. | Республиканинг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларида яшовчи аҳолининг ижтимоий ночор қатламларидан 10,0 минг кишига катталар ва болалар кийим-боши тўпламларини бепул бериш. | Йил мобайнида | «Маҳалла» фонди | 1 000,0 | «Маҳалла» фонди маблағлари | Қишлоқ жойларда аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ночор қатламлари вакилларига ижтимоий ёрдам бериш. |
| 9. | Республиканинг экологик нохуш минтақаларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва бошқа вилоятларда) «Саломатлик» поездларини ташкил этиш йўли билан чекка туманларда яшовчиларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш. | 2016 йил I-II чораклар | «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 300,0 | «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва хайр-эҳсон қилувчилар маблағлари | Республиканинг экологик нохуш минтақалари аҳолисини тиббий кўрик билан қамраб олиш.<br>Касалликлар ривожланишининг олдини олиш, беморларни ўз вақтида соғломлаштириш. |
| 10. | Республиканинг барча минтақаларида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 000 та якка тартибдаги уй-жойлар қуриш. | Йил мобайнида | «Қишлоққурилиш-инвест» МЧЖ ИК, «Қишлоққурилиш-банк» АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврархитект-қурилиш» қўмитаси | 2 450 480,0<br>шу жумладан:<br>757 380<br><br>1 324 500<br><br>225 600<br><br>143 000 | Якка қурувчиларнинг маблағлари<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари<br>Халқаро молия институтлари маблағлари<br>тижорат банклари маблағлари | Муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси комплекси билан биргаликда шинам уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларда яшовчи одамларнинг турмуши даражасини ошириш. |
| 11. | 2016 йил Дастури бўйича қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган якка тартибдаги уй-жойларни:<br>296,3 км электр таъминоти тармоқлари қуриш йўли билан электр энергияси билан; | Йил мобайнида | «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбекэнерго» АК | <br><br><br>31231,1 | Бажарувчиларнинг маблағлари | Бажарувчининг қарори.<br>Қишлоқ аҳолисининг табиий газ, электр энергияси билан таъминланганлигини ошириш йўли билан қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 307,5 км газ таъминоти тармоқлари қуриш йўли билан табиий газ билан таъминлаш. | | | 19 065,0 | | |
| 12. | Республиканинг барча минтақаларида қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ сув таъминоти тармоқларини, шу жумладан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилаётган қишлоқ жойларда 300,5 км сув таъминоти тармоқларини ишга тушириш ҳисобига аҳоли пунктларини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни давом эттириш. | Йил мобайнида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 159 425,5 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори.<br>669 та аҳоли пунктини ёки қарийб 974 минг кишининг сув таъминотини таъминлаш.<br>Ичимлик сувдан фойдаланишни яхшилаш ва аҳоли турмуши учун қулай шарт-шароитлар яратиш. |
| 13 | Жиззах ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли пунктларининг сув таъминотини таъминлаш, шунингдек «Андижон шаҳри канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш. Жиззах ва Хоразм вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли пунктларининг сув таъминотини яхшилаш (2012 — 2016 йиллар) лойиҳаси доирасида Андижон шаҳрининг канализация тизимларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилишини туғаллаш». | Йил мобайнида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари | Умумий қиймати — 72,5 млн АҚШ доллари<br><br>2016 йилда ўзлаштириш — 0,96 млн АҚШ доллари | Осиё тараққиёт банки қарзлари | Вазирлар Маҳкамасининг протокол қарори.<br>Аҳолининг ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилаш, лойиҳа минтақаларида санитария-экологик вазиятни яхшилаш. |
| 14. | Қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини янада яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни давом эттириш:<br>«Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларининг туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш (2011 — 2017 йиллар)» лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятида 138 км сув оқизиш ва 135 км сув таъминоти тизимларини ишга тушириш ҳисобига; | Йил мобайнида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги | Умумий қиймати — 138,6 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш — 23,46 млн АҚШ долл. | ХТА қарзлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори.<br>Ичимлик сув ишлаб чиқариш қувватини суткасига 70 минг куб. / метргача етказиш ҳисобига қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш. Ичимлик сувдан фойдаланишни яхшилаш ва аҳоли ҳаётининг қулай шарт-шароитларини яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш (2013 — 2017 йиллар)» лойиҳаси доирасида Бухоро вилоятида 21 км магистрал сув таъминоти тизимларини ишга тушириш ҳисобига; | | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги | Умумий қиймати — 139,0 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 40,61 млн АҚШ долл. | ХТА қарзлари | Ичимлик сув ишлаб чиқариш қувватини суткасига 50 минг куб. / метргача етказиш ҳисобига қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш. Аҳолининг ичимлик сувдан фойдаланишини яхшилаш. |
| | «Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш (2015 — 2018 йй.)» лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида 80 км сув таъминоти тизимларини тақсимлагичини ишга тушириш ҳисобига. | | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги | Умумий қиймати — 36,2 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 8,0 млн АҚШ долл. | ОПЕК ва СТЖ қарзлари | Ичимлик сув ишлаб чиқариш қувватини кунига 65 минг куб. / метргача етказиш ҳисобига қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш. |
| 15. | Оқова сув тозалаш хизмати сифатини ошириш ҳамда тизимларни яхшилаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: | Йил давомида | | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. |
| | «Фарғона ва Марғилон шаҳарларида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш (2014 — 2017 йй.)» лойиҳаси доирасида 84 км оқова сув коллекторларини фойдаланишга топшириш; | | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги | Умумий қиймати — 52,6 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 13,9 млн АҚШ долл. | ОТБ кредит маблағлари | Оқова сувни тозалаш қувватини суткасига 300 минг куб метрга етказиш ҳисобига лойиҳадаги шаҳарларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш. |
| | «Жиззах шаҳрида оқова сув тизимлари ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш (2015 — 2019 йй.)» лойиҳаси доирасида 10 км оқова сув коллекторларини фойдаланишга топшириш; | | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги | Умумий қиймати — 91,0 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 4,57 млн АҚШ долл. | ОТБ кредит маблағлари | Коммунал-маиший шароитларни ҳамда санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш. |
| | «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида оқова сув тозалаш иншоотлари ва тизим- | | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Бухоро ва | Умумий қиймати — | МАР кредит маблағлари | Оқова сувни тозалаш қувватини суткасига 242,5 минг куб метрга етказиш |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ларини реконструкция қилиш (2010 — 2019 йй.)» лойиҳаси доирасида 14 км оқова сув коллекторларини фойдаланишга топшириш. | | Самарқанд вилоятлар ҳокимликлари | 111,2 млн АҚШ долл. 2016 йилда ўзлаштириш 10,6 млн АҚШ долл. | | ҳисобига лойиҳадаги шаҳарларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш. |
| **III. Тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш** | | | | | | |
| 16. | Туғруққа ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан:<br>энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланадиган 280 ўринли, бир сменада 250 мижозни қабул қиладиган ва бир йилда 1500 та операция бажариладиган 4-даражали болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказини қуришни бошлаш; | Йил мобайнида<br>2015 — 2018 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 102,8 млн АҚШ доллари, шу жумладан 2016 йилда — 1,5 млн АҚШ доллари | Кореянинг Эксимбанки кредитлари | Оналар ва болаларга малакали юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилаш.<br>Янги туғилган пайтдан бошлаб 18 ёшгача республика болаларига кардиохирургия, нейрохирургия, урология, нефрология, онкология ва бошқалар бўйича ихтисослаштирилган ёрдам бериш сифатини яхшилаш.<br>Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш. |
| | 3 та вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларини (Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида) ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш;<br><br>Педиатрия, акушерлик ва гинекология республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлашни тугаллаш;<br><br>38 та туман тиббиёт муассасаларининг болалар бўлимлари ва туғруқхона маж- | 2015 — 2018 йиллар<br><br>Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br><br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар | 185 150,0 шу жумладан<br>6 850,0<br><br>7 000,0<br><br>143 750,0 | Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари<br>Маҳаллий бюджетлар ва | Қишлоқ жойларда датлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш.<br>Замонавий тиббий ускуналар қўлланилган ҳолда ногирон болаларга кўрсатиладиган реабилитация хизматлари сифатини яхшилаш. Болалар ногиронлиги кўрсаткичларини пасайтириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | муаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш;<br><br>11 та оилавий поликлиникани ҳамда 244 та қишлоқ врачлик пунктини мукаммал ва жорий таъмирлаш;<br><br>Республика таянч-ҳаракатланиш тизими касалликлари болалар реабилитация марказининг 100 ўринли даволаш-ташхис корпусини қуриш ва жиҳозлаш;<br>Хоразм вилоятида силга қарши болалар санаторийсини реконструкция қилиш ва мукаммал жиҳозлаш. | | Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br><br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 24 750,0 харажатлар сметасига мувофиқ<br>55 000,0<br>7,0 млн АҚШ доллари<br><br>2 800,0 | хайр-эҳсон қилувчиларнинг маблағлари<br><br>«Synecta Central Azia» МЧЖ компанияси (Словакия)<br>Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | |
| 17. | Тошкент шаҳрида хотин-қизларга репордуктив саломатлик, гинекология, экстрагенитал касалликлар (қанд касаллиги, сут бези ва қалқонсимон без касалликлари, онкологик касалликлар, юрак-қон томир тизими касалликлари, ички касалликлар, жарроҳлик ва бошқа касалликлар) профилактикаси ва уларни даволаш соҳасида ёрдам бериш учун энг илғор диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, замонавий маслаҳат поликлиникаси ва операция блокларига | 2016 — 2019 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Кредит битимига мувофиқ | Корея Ҳукуматининг имтиёзли кредит маблағлари | Қўшма саъй-ҳаракатлар режаси.<br>Корея томони билан ўзаро тушуниш ва кредит битимини имзолаш тўғрисидаги меморандумни имзолашни ишлаб чиқиш.<br>Аёлларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш ва тиббий хизматларни кенгайтириш тамойилларида уларга комплекс тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида энг замонавий клиникалар ташкил этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | эга бўлган 4-даражали «Аёллар саломатлиги маркази»ни ташкил этиш лойиҳасини тайёрлаш. | | | | | |
| 18. | Шу жумладан халқаро ва хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига қуйидагиларни жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш:<br>Республика перинатал маркази, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят перинатал марказлари ва филиаллари;<br><br>13 та вилоят болалар кўп ихтисосли марказлари;<br><br>Республика, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан уларнинг болалар ва туғруққа кўмаклашиш бўлинмалари. | 2016-2017 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 7 437,0<br><br>6,6 млн АҚШ доллари<br><br>12,6 млн АҚШ доллари<br><br>48,9 минг евро | Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари<br>KfW-банк грантлари<br><br>КХР Ҳукумати маблағлари<br><br>«Соғлом авлод учун» жамғармаси маблағлари | Болалар ва туғруққа кўмаклашиш муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.<br><br>Ҳомиладор аёлларни, янги туққан аёлларни ва чақалоқларни транспортда хавфсиз ташиш учун шарт-шароитлар яратиш.<br>Оналар, перинатал ва чақалоқлар ўлимини пасайтириш. |
| 19. | Қуйидаги йўллар билан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг, айниқса қишлоқ жойлардаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш:<br>онкология касалликлар профилактикаси, эрта аниқлаш ва скрининги бўйича ойлик ўтказиш;<br>скринингнинг юқори технологик усулидан фойдаланган ҳолда таҳдид гуруҳига | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари | Ажратилган бюджет | ЮНФПА маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Аёлларда скрининг тадқиқотлари ўтказиш. Тажриба вилоятлари тиббиёт ходимлари орасида семинарлар ва тренинглар ўтказиш. Ойликни ташкил этиш ва ўтказиш.<br>Олинган маълумотлар асосида бутун республика учун онкологик касалликлар профилактикаси ва назоратининг комплекс режаси ва лойиҳасини ишлаб чиқиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кирувчи 4 минг нафар аёл орасида онкологик касалликларни барвақт аниқлаш юзасидан профилактика ишларини олиб бориш;<br>соғлиқни сақлашнинг дастлабки бўғини тиббиёт ходимларини онкологик касалликлар скринингини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўқитиш. | | | маблағлари доирасида<br><br>50,0 минг АҚШ доллари | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Репродуктив ёшдаги аёлларда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг барвақт аниқлаш. Умр кўриш сифатини ошириш ва узоқ умр кўришни таъминлаш. |
| 20. | Қуйидагиларни назарда тутувчи Болалар ижтимоий мослашуви республика маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш:<br>2016 — 2018 йилларда қўшимча равишда Марказнинг 11 та минтақавий филиалини очиш;<br>алоҳида эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фондини тузиш, унга Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиявий таъминлаш вазифаларини юклаш. | 2016 йил I чорак | Халқ таълими вазирлиги, Болалар ижтимоий мослашуви республика маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | 37 800,0 | Давлат бюджети ва хайр-эҳсон қилувчиларнинг маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг республиканинг барча минтақаларида Болалар ижтимоий мослашуви республика марказининг минтақавий филиалларини ташкил этиш йўли билан болаликдан ногиронларга, ривожланишида психофизик бузилишлар бўлган болаларга, етим болаларга ва ота-оналарнинг васийлигисиз қолган болаларга, шунингдек болаларнинг бошқа заиф тоифаларига комплекс хизматлар кўрсатиш тармоғини янада кенгайтиришга йўналтирилган қарори лойиҳаси. |
| 21. | Қуйидагилар йўли билан болалар ва катта ёшли аҳоли орасида юқумли касалликлар профилактикаси:<br>Эмлашларнинг миллий календарига мувофиқ камида 98% болаларнинг профилактик эмлаш билан қамраб олинишини таъминлаш;<br><br>таҳдид гуруҳига кирувчи болалар орасида туберкулин-диагностика ва диаскин-тест синови ўтказиш; | Тасдиқлаш — 2016 йил I чорак<br>Амалга ошириш — йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 14 682,0<br><br>6,0 млн АҚШ доллари<br><br>1 380,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари<br><br>Вакциналар ва иммунизациялаш глобал альянси маблағлари<br><br>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари орасида юқумли касалликларни камайтириш.<br>Мамлакатнинг полиомиелитнинг ёввойи вирусидан холилиги мақомини сақлаб қолиш.<br><br>Болаларнинг сил касаллигига чалиниши профилактикаси сифатини ошириш ва касалликни барвақт аниқлашни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ОИТС/ОИВ тарқалишининг олдини олиш мақсадида ОИВ инфекцияси юққан болалар ва катта ёшдагиларни вирусга қарши препаратлар билан таъминлаш; | | | 2 880,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | ОИВ инфекцияси юққан беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш. |
| | | | | 1,0 млн АҚШ доллари | Глобал фонд грантлари | |
| | мактабгача ёшдаги (2 — 6 ёш) ва мактаб ёшидаги (7 — 10 ёш) қарийб 5 миллион болаларни дегельминтизация дастури билан қамраб олиш; | | | 659,2 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Мамлакатда эпидемиологик осойишталикни ва юқумли касалликлар даражасини пасайтиришни таъминлаш. |
| | 1 ёшгача болалар орасида ротавирус ва пневмококкли инфекцияга қарши иммунизациялаш мониторингини олиб бориш. | | | 50,0 минг АҚШ доллари | ГАВИ, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маблағлари | |
| 22. | Болаларни республика ва чет эл клиникалари ва марказларида соғломлаштириш, шу жумладан:<br>ногирон болаларни Германия клиникаларида тезкор даволаш (1 йилдан 3 йилгача муддатда);<br>кам таъминланган оилаларнинг юқори тишлари ва қаттиқ танглайи ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган камида 100 нафар болаларини тезкор даволаш;<br>кам таъминланган оилаларнинг оёқларида маймоқлик ва бўйни қийшиқлик туғма ортопедик касалланган камида 200 нафар болаларини тезкор даволаш;<br>туғма юрак етишмовчилиги ва сурункали остеомиелит касаллигига чалинган камида 20 нафар болани соғломлаштириш ва жадал даволаш;<br>куйишдан кейинги контрактурали камида 25 нафар болани пластик операция қилиш. | Йил мобайнида | «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 261,6 | «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Фриеденздорф интернейшнл» (Германия) ва «Save the children» (Жанубий Корея) халқаро ташкилотлари, Жанубий Корея ва Ҳиндистон клиникалари маблағлари | Ҳар хил туғма патологияли болаларни даволаш.<br>Юқори тиши ва танглайида туғма нуқсонлар бўлган, оёқлари (маймоқлик) ва бўйин қийшиқлигининг туғма ортопедик касалликларига, туғма юрак етишмовчилиги, сурункали остеомиелит, куйишдан кейинги контрактура касалликларига чалинган болаларни соғломлаштириш.<br>Болалар ногиронлиги даражасини пасайтириш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 23. | Қуйидаги йўллар билан онкогематологик касалликларга чалинган болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича замонавий технологиялар жорий этилишини кенгайтириш: | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | Лейкоз ва талассемия касаллигига чалинган болаларнинг республика регистрини доимий равишда янгилаш. |
| | онкогематологик касалликларга (лейкоз, талассемия) болаларни бепул дори препаратлари билан таъминлаш; | | | 856,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Талассемияга чалинган беморларнинг қонидаги ферритинни аниқлаб даволаш мониторингини олиб бориш ва даволаш самарадорлигини илмий таҳлил қилиш. |
| | талассемияга чалинган бемор болалар орасида хелатор терапия самарадорлиги мониторингини олиб бориш; | | | 18,0 млн АҚШ доллари | «Novartis» компанияси (Швейцария) маблағлари | Ўқув тарқатма материаллари тайёрлаган ҳолда гематологлар учун ўқув тренинглари, семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этиш. |
| | хелатор терапия ўтказиш соҳасида гематологларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти базасида ташкил этиладиган Бемор болаларнинг ота-оналари учун талассемия мактабида бемор бола терапияси ва уни парвариш қилиш бўйича ота-оналарни ўқитиш. | | | 65,0 минг АҚШ доллари | Novartis» компанияси (Швейцария) маблағлари | Ота-оналар учун буклетлар, эслатмаларни ишлаб чиқиш ва нусхасини кўпайтириш.<br>Лейкозга чалинган болалар ўлимини 50 фоизга пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва 5 йил яшаш кўрсаткичларини 40 фоиздан 90 фоизгача ошириш. Талассемияга чалинган болалар ўлимини 70 фоизгача пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, 25 йил яшаш кўрсаткичларини 10 фоиздан 90 фоизгача ошириш. |
| 24. | Кар ва қулоғи оғир болаларнинг:<br>аудиоскрининг қилиш асосида чақалоқларда эшитиш қобилияти бузилишини барвақт аниқлаш йўли билан уларни реабилитация қилиш дастурини амалга оширишни амалга ошириш; | 2016 — 2020 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2016 йилда: 620,0 | Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш | Чақалоқларни Педиатрия, акушерлик ва гинекология республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида, Республика перинатал марказида, республиканинг барча перинатал марказларида, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 18 та туғруққа кўмаклашиш муассасаларида аудиоскрининг қилиш.<br>Чақалоқларни аудиоскрининг қилиш бўйича неонатологларни, болаларни операциягача ва операциядан кейин |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | нейросенсор қулоғи оғирлик ва карлик касалига чалинган 100 нафардан ортиқ болаларни кохлаар имплантация қилиш;<br>операциядан кейин сурдопедагогик реабилитация қилиш. | | | 7216,0 | жамғармаси маблағлари<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | сурдопедагогик реабилитация қилиш бўйича сурдопедагогларни ўқитиш.<br>Карлик бўйича болалар ногиронлигини пасайтириш ва ушбу тоифага кирувчи болаларни интеграция қилиш. |
| 25. | Қуйидаги йўллар билан чақалоқ туғилган пайтдан бошлаб болалар ҳаёти сифатини ошириш:<br>чақалоқларнинг геморрагик касаллиги профилактикаси;<br>чала туғилган чақалоқлар реанимациясининг юқори самарали ва юқори технологик усулларини қўллаш;<br>болаларни 6 ойгача кўкракдан эмизиш билан энг кўп даражада қамраб олишни таъминлаш;<br>«Касалхоналарнинг болага олий-жаноб муносабатда бўлиши ташаббуси» бўйича тиббиёт муассасаларига сертификат берган ҳолда республикада Кўкракдан эмизишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳафталигини ўтказиш. | Йил мобайнида<br>2016 йил август | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 1 000,0<br>120,0<br>Ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида | Бажарувчилар маблағлари<br>Ҳомийлар маблағлари<br>Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Чақалоқларнинг геморрагик касаллиги профилактикаси учун халқаро стандартлар асосида К витаминини рутин қўллашни жорий этиш.<br>Тошкент шаҳрининг перинатал маркази учун чала туғилган чақалоқларнинг нафас олиш йўллари бузилиши синдроми профилактикаси учун сульфактантнинг 50 та ампуласини мурувват ёрдами йўли билан етказиб бериш.<br>Неонатал, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш. |
| 26. | Никоҳга кирувчи шахсларни ихтиёрий тиббий кўрикдан ўтиш билан қамраб олиш тизими сифати ва самарадорлигини қуйидаги йўллар билан ошириш:<br>никоҳга кирувчи шахсларни, энг аввало, юқумли ва вирусли касалликлар (сил, ОИТС, тери-таносил касалликлари) юзасидан тиббий кўрикдан ўтказиш сифати устидан доимий мониторинг олиб бориш;<br>барвақт никоҳларнинг олдини олиш, яқин қариндошларнинг никоҳга кириш- | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 13 920,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Никоҳга кирувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соматик ва ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш, уларни соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.<br>Соғлом оилани шакллантириш.<br>Соғлом болалар туғилишини таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ларининг оқибатларини тушунтириш бўйича манзилли ишлар олиб бориш;<br>энг аввало оммавий ахборот воситалари, шу жумладан минтақавий оммавий ахборот воситалари орқали никоҳга киришга қадар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш;<br>оилаларда ва никоҳга кираётган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини юритиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориш. | | | 14,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| 27. | Қуйидагиларни амалга ошириш йўли билан туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастурини амалга оширишни давом эттириш:<br>ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар ўртасида перинатал ва неонатал скрининг;<br>соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини биринчи даражасида ҳомиладор аёлларни оммавий барвақт перинатал ультратовуш скринингидан ўтказиш;<br>13 та скрининг марказларини юқори даражали рақамли кўп мақсадли диагностик ультратовуш тизими билан жиҳозлаш. | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси | 2 339,7 минг АҚШ доллари<br><br>1 238,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, «Соғлом авлод учун» жамғармаси маблағлари<br>Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни доимий равишда скринингдан ўтказиш.<br>Неонатал ва перинатал скрининг ўтказиш учун ускуналар, реагентлар билан таъминлаш.<br>Ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган болалар туғилишининг олдини олиш.<br>Болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 28. | Қуйидагилар:<br>репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш;<br>соғлом оилани шакллантириш;<br>соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик;<br>соғлом оналик ва ривожланишнинг туғма аномалиялари профилактикаси;<br>болалар орасида касалликлар профилактикаси;<br>маиший жароҳатланиш профилактикаси бўйича аҳоли учун 150 мингта ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш. | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти | 120,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Ахборот-таълим материалларини (буклетлар, плакатлар ва бошқа материаллар) ишлаб чиқиш ва тарқатиш.<br>Соғлом оилани шакллантириш, турмуш гигиенаси ва санитарияси, юқумли касалликлар профилактикаси, маиший жароҳатланиш ва ўсмирларнинг хавфли хулқ-атвори оқибатлари ва шу каби масалаларда аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш.<br>Тажриба лойиҳасини амалга ошириш доирасида ягона тиббий ҳисобга олиш ҳужжатини, ҳомиладорликнинг уй харитасини жорий этиш, кейинчалик ижобий тажрибани республиканинг бошқа минтақаларига ёйиш. |
| | Таркибида ҳомиладорликнинг кечиши тўғрисида тиббий маълумотларнинг тўлиқ ҳажми, шунингдек ҳомиладорлик асоратлари профилактикаси бўйича муҳим ахборот бўлган ҳомиладорликнинг ягона уй харитасининг 60,000 та нусхасини жорий этиш бўйича Наманган вилоятида тажриба лойиҳасини амалга ошириш. | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 60,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | |
| 29. | Қуйидаги йўллар билан акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини мунтазам равишда ошириш: | 2016 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | | | Врачлар ва тиббиёт ҳамшираларини диплом олди ва кейинги тайёргарликкача ишчи дастурларни такомиллаштириш.<br>Акушер-гинекологлар, неонатологлар, анестезиологлар, реаниматологлар, акушеркалар ва тиббиёт ҳамшираларини ўқитиш.<br>Аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш. |
| | Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган диагностика ва даволашнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва амалда қўллаш;<br>болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида замонавий самарали перинатал технологияларни жорий этиш;<br>замонавий тиббий ускуналардан фойдаланишни назарда тутувчи қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш (ўқитишнинг янги стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда шу кабилар); | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 60,0 минг АҚШ доллари | ЮНИСЕФ маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | перинатал ёрдам кўрсатишнинг турли даражаларида аёлларга ва чақалоқларга тиббий ёрдам бериш сифатини стандартлаштириш; | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 70,0 минг АҚШ доллари | ЮНИСЕФ маблағлари | Мутахассисларни ўқитиш тадбирлари режаси.<br>Хизматлар кўрсатишнинг ҳар бир даражаси учун перинатал ёрдам стандартларини ишлаб чиқиш. |
| | болаларга юқори технологик ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича педиатрларни республика ва Германиянинг етакчи клиникаларида ўқитиш йўли билан республика ва вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларининг тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш; | 2016 — 2019 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 448,0 минг АҚШ доллари | KFW-банк грант маблағлари | Ҳомиладор аёлларга, янги туққанларга ва чақалоқларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини ошириш. Оналар ва чақалоқларнинг касалланиши ва ўлимини камайтириш. |
| | замонавий юқори технологик тиббиёт ускуналарини ишлатиш учун тиббий ва техник ходимлар малакасини ошириш. | 2016 — 2019 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 1,14 млн АҚШ доллари | GIZ (Германия) грантлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни таҳлил қилиш ва ташкил этиш бўйича соғлиқни сақлаш раҳбарларини, шунингдек чақалоқлар ва болаларни парвариш қилиш бўйича дастурларни жорий этиш юзасидан 150 нафар тиббиёт ходимини ўқитиш.<br>Бемор болаларни даволаш бўйича қўлланмалар ва протоколларни ишлаб чиқиш. |
| | **IV. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационни сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш** | | | | | |
| 30. | Қуйидагиларни:<br>аҳолини фортифицирланган ун ва йодланган туз билан таъминлашга;<br>қишлоқ туманларида яшовчи 400 минг ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фолий кислотаси мавжуд бўлган умумий соғломлаштирувчи поливитаминлар- | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, | 2,5 млн АҚШ доллари, 119,2 минг АҚШ доллари<br>3346,8 | Бажарувчилар маблағлари<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Фортифицирланган ун, йодланган туз ишлаб чиқариш.<br>Республиканинг барча минтақаларида А витаминини тарқатиш ва Соғлом бола ҳафталигини ўтказиш.<br>Тажриба минтақаларида овқатланиш ва тадқиқотлар масалалари бўйича асбоблар ва тадқиқотлар дизайнини ишлаб чиқиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | нинг махсус тўпламлари билан таъминлашга;<br>6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида А витамини саплементацияси билан таъминлашга;<br>институционал ва даволаш-профилактика муассасалари мижозларини витаминлар билан бойитилган сабзавотли шўрвалар билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;<br>овқатланишни яхшилаш ва микронутриент етишмовчилик профилактикаси соҳасида дастурларни амалга ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аҳоли овқатланиши ва соғлиғини яхшилаш. | | «Ўздонмаҳсулот» АК | 129,0 минг АҚШ доллари<br><br>300 минг АҚШ доллари<br><br>250,0 минг АҚШ доллари | ЮНИСЕФ маблағлари<br><br>«Соғлом авлод учун» жамғармаси маблағлари<br><br>ЮНИСЕФ маблағлари | Аёллар, болалар ва ўсмирларда микрунутриент етишмовчилигининг олдини олиш. Болалар касаллиги ва ўлимини камайтириш.<br>Аҳолининг репродуктив саломатлиги муҳофазаси, болалар ва ўсмирлар саломатлиги соҳасида дастурлар бажарилиши самарадорлигини ошириш. |
| 31. | «Оилавий» телеканалида «Бўлғуси оналар мактаби» телекўрсатувини ҳар ҳафтада намойиш қилишни ташкил этиш. Кўрсатув давомида ёш қизлар ва ҳомиладор аёллар, тажрибали врачлар (педиатрлар, гинекологлар, терапевтлар ва бошқалар), шунингдек маданият ва спорт арбоблари иштирокида:<br>ҳомиладор аёллар томонидан соғлом бола туғилишининг гарови сифатида санитария-гигиена нормаларига ва соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилиш;<br>кўкракдан эмизишнинг асосий принциплари ва фойдалилиги, болаларни эмлашнинг миллий календарига риоя қилиш;<br>ёш оналар ва болаларни парвариш қилишни таъминлашнинг асослари, улар овқатланиши рационининг сифати ва калориялилигини таъминлаш ва ҳоказо мавзулар бўйича маҳорат дарслари, ама- | Йил мобайнида | МТРК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | «Оилавий» телеканалида «Бўлғуси оналар мактаби» телекўрсатувини ташкил этиш, уни ҳафтада икки марта намойиш қилиш.<br>Телекўрсатувда ёш оналар ва болалар овқатланиши режимига риоя қилиш, улар овқатланиши рационининг сифати ва калориялилигини таъминлаш, ёшларнинг, айниқса қишлоқ жойлардаги қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини оммалаштиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лий дарслар ва машғулотлар шаклида рукнлар намойиш қилиш. | | | | | |
| 32. | Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигининг замонавий халқаро стандартларига мувофиқ, шу жумладан Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Диетология республика ўқув-илмий марказини ташкил этиш йўли билан соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ва амалий сиёсатни юритиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш. | Йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги | 5 500,0 | Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.<br>Аҳолининг соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлашга ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар профилактикасига йўналтирилган аҳолига, шу жумладан болалар ва аёлларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш. |
| 33. | Бошланғич синфлар ўқувчилари учун «Тўғри овқатланиш дарслари» таълим дастурини яратиш, уни тажриба тариқасида Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 50 та мактабининг 5 000 ўқувчиси орасида тарқатиш. | 2016 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, «Нестле Ўзбекистон» МЧЖ | 54,0 | «Нестле Ўзбекистон» МЧЖ маблағлари | Ўқувчиларда саломатликнинг бебаҳолиги ва уни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни жорий этиш, ўқувчиларни тўғри овқатланишга кўмаклашувчи миллий-маданий анъаналар билан таништириш. |
| | **V. Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш** | | | | | |
| 34. | Оммавий болалар спортини ривожлантириш, қуйидагиларни назарда тутувчи болалар спортини ташкил этиш тизимини янада ривожлантириш йўли билан болалар, айниқса қиз болаларнинг спортнинг улар томонидан танланган турига, спорт тайёргарлиги даражасига, жинси ва ёшига қараб уларни спорт билан шуғулланишга янада кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш: | Йил мобайнида | Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, | 277 495,1 шу жумладан: | | Болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, спорт билан мунтазам шуғулланувчи қиз болалар сонини кўпайтириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш. |





WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | барча мактабларда спорт клублари ва жамоалар ташкил этилишини ва спорт турлари бўйича мактаб лигалари ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари учун қўшимча равишда 1 706 та спорт зали, шу жумладан 2016 йилда 217 та зал қуриш; | | спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | 154 280,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек спорт билан мунтазам шуғулланиш учун шарт-шароитларни яхшилаш. |
| | ҳар бир туманда камида битта замонавий, зарур ускуналар билан жиҳозланган болалар-ўсмирлар мактаби (225 та), шу жумладан жорий йилда 15 та спорт мактаби ташкил этиш;<br>вилоят марказида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 та ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан жорий йилда 5 та мактаб ташкил этиш; | | | 31 300,0 | | |
| | сузиш ҳавзалари тармоғини кенгайтириш, шу жумладан жорий йилда 11 та сузиш ҳавзаси қуриш ҳисобига уларнинг умумий сонини 290 тага етказиш; | | | 14 550,0 | Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | |
| | ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида 14 та янги ихтисослаштирилган олий маҳорат спорт мактаби ташкил этиш, шу жумладан 3 та мактабни жорий йилда қуришни бошлашни ташкил этиш; | | | 37 700,0 | маҳаллий бюджет маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | барча даҳаларда спорт зоналарини (кўча тренажёрлари, баскетбол ҳалқаси, футбол учун мини майдон ва бошқалар) ўз ичига олувчи болалар майдончалари қуриш дастурини давом эттириш.<br>Бундан ташқари, 2004 — 2014 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорт мактаблари ва объектларини қўшимча равишда жиҳозлаш, шунингдек 2016 йилда объектларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари, шу жумладан ҳар бир умумтаълим муассасасини футбол, баскетбол, волейбол, гандбол тўплари ва стол тенниси тўплари билан таъминлаш.<br>Малакали тренер-ўқитувчилар таркиби, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш. | | | 6 000,0<br>5 000,0<br>28 665,1 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | |
| 35. | Ҳар бир қишлоқ тумани ва шаҳарда болаларни, айниқса қиз болаларни қуйидаги йўллар билан спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этишни давом эттириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш:<br>спорт билан мунтазам шуғулланувчи 156 минг қизни «Президент совғаси» сифатида спорт кийим-боши комплектлари билан бепул таъминлаш;<br>19 ёшгача бўлган қобилиятли, ёш спортчиларга, спортнинг олимпия, миллий ва бошқа турлари билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчиларга мусобақалар ўтадиган жойга бориш йўлкирасини ва хизмат сафари харажатларини тўлашни қоплаш йўли билан халқаро спорт мусобақаларида қатнашишда кўмаклашиш. | Йил мобайнида | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Миллий паралимпия уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ, МТРК, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» фондлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 700,0 минг АҚШ доллари<br>4672,4 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Ёшларни юқори натижаларга эришиладиган спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш.<br>Вазирлар Маҳкамаси протоколи лойиҳаси.<br>Спорт билан мунтазам шуғулланувчи қиз болалар сонини кўпайтириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 36. | Қуйидагиларни ташкил этиш ва ўтказиш:<br>умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Қувноқ стартлар» спорт мусобақалари;<br>Фарғона шаҳрида «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари;<br>республика умумтаълим муассасалари ўртасида футбол бўйича «Камолот» кубоги республика мусобақалари;<br>«Ёш чегарачилар» республика спорт мусобақаси. | Йил мобайнида жадвал бўйича<br>2016 йил апрель-май<br>2016 йил II-III чораклар<br>2016 йил август-сентябрь | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги<br>«Камолот» ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Футбол федерацияси<br>МХХнинг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, ЎМКҲТМ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 500,0<br>18 400,0<br>150,0<br>200,0 | «Ёшлик» ДФСО маблағлари<br>Бажарувчилар маблағлари<br>Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш.<br>Аёллар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш.<br>Ёш спортчиларда мусобақалашиш тажрибаси ва спорт маҳоратини ошириш. |
| 37. | Махсус интернат-мактабларнинг тарбияланувчилари бўлган ногирон болалар ўртасида мусобақалар ўтказиш:<br>I-босқич — ҳар бир махсус мактаб-интернатда;<br>II-босқич — финал ўйинлари Тошкент шаҳрида. | 2016 йил I ярим йиллик | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Миллий паралимпия уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ, МТРК, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» фондлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | 200,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Ногирон болаларни спорт мусобақалари билан кенг қамраб олиш. Имкониятлари чекланган болаларнинг спорт маҳорати даражасини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | | | |
| 38. | «Спорт» телерадиоканалида таниқли қизлар ва аёллар — айниқса қишлоқ жойларда қиз болалар ўртасида спортни оммалаштириш учун юборилган спортчилар иштирокида «Спортчи қизлар — Ўзбекистон ифтихори» телекўрсатувини ташкил этиш, қишлоқ жойлардаги қиз болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш. | Доимий | МТРК, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Айниқса қишлоқ жойларда қиз болалар ўртасида спортни оммалаштирувчи махсус телекўрсатув ташкил этиш, қишлоқ жойлардаги қиз болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш. |
| **VI. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эр-хотин ўртасида, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин ўртасида, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат руҳини яратиш** | | | | | | |
| 39. | Оилада соғлом маънавий муҳитни, ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида:<br>«12 йиллик мажбурий таълим менинг саодатим учун» шиори остида «Ораста қизлар» ҳудудий танловлари ғолиблари ўртасида «Маҳалланинг энг ораста қизлари» Республика форумини ташкил этиш;<br>«Оиланинг олтин қўрғони» мавзусида 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб телемарафон ўтказиш;<br>«Маънавият оиладан бошланади» мавзусида Республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш;<br>маҳаллаларда «Меҳрибон қайнона» танловини ўтказиш;<br>академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизлари ўртасида уларнинг оналари, опа-сингиллари ва келинлари билан биргаликда «Гулшан аро гул- | <br>2016 йил I ярим йиллиги<br>2016 йил III чорак<br>2016 йил май<br><br>2016 йил III чорак | Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТМ, «Маҳалла» фонди, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўрта махсус таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, «Оила» республика илмий-амалий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | <br>50,0<br>50,0<br>20,0<br>10,0<br>30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Оила институтини мустаҳкамлаш, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни, ўзаро ҳурмат ва олижанобликни, соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш.<br>Кундалик ҳаётда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари даражаси ва аҳамиятини ошириш.<br>Миллий анъаналарни мустаҳкамлаш ва умумбашарий қадриятларни тарғиб қилиш.<br>Баркамол авлодни тарбиялаш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | чеҳралар» мавзусида кўрик-танловларни ташкил этиш;<br>5 мингта мактабгача таълим муассасалари қошида ташкил этилган «Зумрадойлар davraси» тўгаракларида, 12 мингта таълим муассасалари ва 8,5 мингта маҳаллада ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгаракларида машғулотлар ўтказиш бўйича методик қўлланмалар, буклетлар ишлаб чиқиш ва нашр этиш. | 2016 йил I чорак | | 45,0 | | |
| 40. | Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг камида 800 мингтасининг ижтимоий муҳофазасини миллий байрамлар, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1 июнь) ва янги ўқув йили арафасида эсдалик совғалари улашиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва мактаб буюмлари бериш йўли билан кучайтириш. | Йил мобайнида | Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 100,0 | Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва хайр-эҳсон қилувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш. |
| 41. | Ҳар бир ҳудудда аҳолининг ижтимоий заиф, кам таъминланган қатламлари вакиллари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 500 нафар ўғли учун омонат банкларида 1,0 миллион сўмга ҳисоб очтириб «Суннат тўйи» ўтказиш. | Йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Маҳалла» фонди | 3 150,0 | Маҳаллий бюджетлар ва хайр-эҳсон қилувчилар маблағлари | Аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари вакиллари фарзандларини, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. |
| 42. | Оилалар, аёллар ва болаларнинг касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилиши ва дам олиши шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни қуйидаги йўллар билан янада кенг амалга ошириш:<br>Тошкент шаҳридаги «Турон» санаторийсида 30 ўринли ётоқхона ва 350 ўринли ошхона қуриш;<br>Тошкент шаҳридаги «Умид гулшани» санаторийсида ошхона ва маданий тадбирлар ўтказиш учун зал қуриш; | <br><br><br><br>2016 йил IV чорак<br><br>2016 йил IV чорак | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | <br><br><br><br>5 914,0<br><br>7 894,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори.<br>Санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Оилаларнинг ҳордиқ чиқариши ва соғломлаштирилиши самарадорлигини ошириш.<br>Санаторийларда тиббий хизматлар сифатини ошириш, она ва болалар учун шароит яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сурхондарё вилоятидаги «Термиз марвариди» санаторийсини реконструкция қилиш;<br>касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг «Она ва бола» бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек болалар учун алоҳида ўйин хоналарини ташкил этиш, аёллар учун spa-салонлари ва гўзаллик салонлари имкониятларини кенгайтириш.<br>Қуйидагиларни амалга ошириш:<br>Навоий вилояти Кармана туманидаги «Металлург» профилакторийсини мукаммал таъмирлаш ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;<br>НКМКнинг Нуробод туманидаги 4-сон тиббий-санитария қисмининг собиқ пульмонология биносини бальнеология профилакторийси сифатида реконструкция қилиш. | 2016-2017 йиллар<br>Йил мобайнида<br>Йил мобайнида | Навоий кон-металлургия комбинати | 4 700,0<br>500,0<br>2 500,0<br>1 000,0 | Навоий кон-металлургия комбинати маблағлари | Бажарувчи қарори.<br>Она ва боланинг дам олиши учун замонавий шарт-шароитлар яратиш. |
| 43. | «Касаба уюшмалари — болаларга» тадбирини ташкил этиш ва унинг доирасида:<br>республиканинг ҳар бир ҳудудидан 14 та таянч мактаб-интернатга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш;<br>12 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига совғалар (санитария-гигиена буюмлари) сотиб олиш;<br>хизмат вазифасини бажаришда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимлари фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш. | 2016 йил<br>июнь<br>сентябрь<br>йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | Ҳаммаси — 421,0 улардан:<br>21,0<br>300,0<br>100,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларини, ихтисослаштирилган таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш<br>Кам таъминланган оилалар фарзандларини, шунингдек имконияти чекланган болаларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш. |
| 44. | Аёллар ва болаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш:<br>боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг 50 минг боласи учун ўқув анжомлари сотиб олиш; | Йил мобайнида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, корхоналар ва | Иш берувчилар ҳисобидан 2 000,0 | Касаба уюшмалари ва иш берувчилар | Касаба уюшмаси ташкилотлари қарорлари.<br>Аёлларнинг уй ишларини енгиллаш- |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ташкилотлар | Касаба уюшмалари ҳисобидан — 500,0 | маблағлари | лаштириш ва уларга зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш. |
| | икки ёшдан уч ёшгача боласини парвариш қилиш учун таътилга чиққан 20 минг ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш; | | | Иш берувчилар ҳисобидан 6 850,0<br>Касаба уюшмалари ҳисобидан — 150,0 | Касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари | Жамоа шартномалари ва битимлар.<br>Аёллар ва ёш оилаларга ижтимоий-иқтисодий ва маънавий кўмак кўрсатиш, ишлаётган аёллар ва улар болаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш. |
| | республика қишлоқ туманларининг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқларидаги кўмакка муҳтож оилаларнинг ишлаётган 560 аёли (ҳар бир ҳудуддан 40 нафардан)га Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга экскурсиялар уюштириш. | | | 70,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | Аёлларни республикамизнинг тарихий шаҳарлари билан таништириш, уларга тарих ва миллий қадриятлардан фахрланиш ҳамда уларга ҳурмат фазилатларини шакллантириш.<br>Аёлларнинг уюшган тарзда дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 45. | Оилада тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, болаларда ватанпарварлик ва ўз Ватанига садоқат туйғуларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни қуйидаги йўллар билан текин асосда амалга ошириш: | | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 155,0 улардан: | Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Болаларнинг дам олишини таъминлаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, она диёр, унинг маданияти ва меъморий ёдгорликлари ҳақидаги билимларини бойитиш.<br>Касаба уюшмалари қарорлари. |
| | Меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилаларнинг 7000 нафар фарзанди учун Халқаро болалар куни муносабати билан музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш. | 2016 йил 30 май — 3 июнь | | 70,0 | | Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш. |
| | Меҳрибонлик уйларининг 560 нафар тарбияланувчи болаларини (ҳар бир ҳудуддан 40 киши) ва иқтидорли болаларни «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида тарихий шаҳарларга саёҳатга юбориш; | 2016 йил май-июнь | | 60,0 | | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 140 нафар (ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан) кўзи ожиз талаба ва ўқувчиларни махсус қурилмалар, плеерлар ва мактаб анжомлари билан таъминлаш. | 2016 йил III чорак | | 25,0 | | |
| 46. | «Маҳалла» телеканалида қуйидаги мавзулар бўйича:<br>мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида соғлом маънавий муҳит, жумладан эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, қайнона ва келинлар, қўшнилар ўртасида ўзаро ҳурмат, эзгулик ва меҳр-муҳаббат муҳити ҳукмрон оилалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Обод маҳалланинг бахтли оиласи»;<br>ёшлар, ёш эр-хотинлар онгига меҳр-муҳаббат, садоқат ва ўзаро масъулият ҳиссини сингдиришга йўналтирилган ва аниқ шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи (Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Ҳ. Олимжон ва Зулфия ва бошқалар мисолида) «Муҳаббат риштаси» ҳар ҳафталик кўрсатувлар тайёрлаш. | Йил давомида | МТРК,<br>«Маҳалла» фонди,<br>Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | «Маҳалла» телеканалида республиканинг намунавий оилалари, уларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ёшлар, ёш эр-хотинлар онгига меҳр-муҳаббат, садоқат ва ўзаро масъулият ҳиссини сингдиришга йўналтирилган «Обод маҳалланинг бахтли оиласи» ва «Муҳаббат риштаси» ҳар ҳафталик кўрсатувларини тайёрлаш. |
| 47. | Қуйидагиларни:<br>аёлларнинг оила қадриятларига содиқлиги, уларнинг оилани асраб-авайлашдаги роли, жамиятда ва оилада муносиб ўрин эгаллаган аёлларнинг профессионал жиҳатдан ўзини намоён этишига оид 2 та бадиий фильм;<br>соғлом оила қуриш, фарзандларни ўзаро ҳурмат, эзгулик ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ота-оналарнинг ролига бағишланган миллий сериал яратиш. | 2016 йил IV чорак<br><br>Йил мобайнида | «Ўзбеккино» агентлиги Молия вазирлиги<br><br>МТРК | 1 200,0 | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, бажарувчиларнинг маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Оилавий ришталарни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг кексаларга ҳурмати, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича давлат сиёсатини жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. |
| 48. | Аёлларни ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилаларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бў- | 2016-2017 йиллар | Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар | 105,0 минг АҚШ доллари | БМТ Аҳолишунослик жамғармаси | Психологик ва ҳуқуқий ёрдам бериш марказлари ходимлари учун ўқув қўлланмалари нашр этиш, бепул касб кў- |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | йича 8 та минтақавий Марказ ходимлари учун 1000 нусха ўқув қўлланмалари чоп этиш. | | Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси | | маблағлари | никмаларини эгаллашлари учун шароит яратиш, уларнинг ишга жойлашуви ва вақтинчалик турар жой билан таъминланишига кўмаклашиш.<br>Кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш. |
| **VII. Қиз болаларни — бўлажак оналарни — жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, уларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида албатта таълим олишини, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринни эгаллашларида, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланмиш мустаҳкам ҳаётий нуқтаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш** | | | | | | |
| 49. | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизлари орасида ота-оналар, психологлар, педагогларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакилларини жалб этган ҳолда фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўгараклари орқали:<br>12 йиллик таълимнинг ялпи мажбурийлиги;<br>қизларни замонавий билимлар ва касбларни эгаллаб олишларининг зарурлиги, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашининг бош шарти сифатида уларда қатъий ҳаётий нуқтаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш;<br>коллежлар ва академик лицейларда ўқиш даврида барвақт никоҳларнинг олдини олиш;<br>соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизлар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш масалалари бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориш. | Йил мобайнида | Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» фонди, «Камолот» ЁИҲ, «Оила» маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | - | - | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлар режаси.<br>Қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим муассасаларига қатнашишни яхшилаш ва «тенга-тенг» принципидан фойдаланилган ҳолда тизимли асосда ўзлаштиришни ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 50. | Қизларнинг касб-ҳунар коллежларида ўқишдан манфаатдорлигини таъминлаш ва уларнинг талаб этилган мутахассисликларни эгаллаб олиши мақсадида республиканинг ҳар бир тумани бўйича касб-ҳунар коллежларини ҳудудий қатнаш ва кейинчалик уларда тикувчилик иши, дизайн ва миллий ва замонавий кийимларни моделлаштириш, ошпазлик, сартарошлик иши, косметология, бошқа хизмат кўрсатиш ва сервис мутахассисликларини жорий этиш нуқтаи назаридан пухта таҳлилдан ўтказиш. | 2016 йил II чорак | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Касб-ҳунар коллежларида талаб юқори бўлган мутахассисликка қизларни ўқишга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 51. | Касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган қизлар, яқиндаги мактабларнинг 9-синфлари ўқувчилари ҳамда ўз ишининг усталари бўлган аёллар, ушбу коллежнинг битирувчилари иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказиш, уларда танланган касб, унинг хусусиятлари тўғрисида норасмий фикр алмашинади, аёллар ўз иш тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилади. | Доимий | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | - | - | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. |
| 52. | Қуйидаги йўллар билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, энг аввало, қизларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун рағбатлантириш, уларда тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ҳуқуқий билимларни ошириш:<br>ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари масалалари бўйича билимлар сифатини оширишга йўналтирилган ўқув курслари ташкил этиш;<br>ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларида тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини шакллантириш | ташкилий масалалар — 2016 йил I чорак,<br>2016 йил мобайнида амалга | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИҲ, Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, | 10 000,0 | | Бажарувчиларнинг қуйидагиларга йўналтирилган қарорлари:<br>ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари орасида тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ҳуқуқий билимларни ошириш;<br>касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш;<br>аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш ва оилавий бизнесни ривожлантириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | мақсадида улар орасида муомалани ва билимларни айирбошлашни ташкил этиш учун шаҳарлар (туманлар)нинг айрим коллежлари базасида «Бизнес-клублар» ташкил этиш; | ошириш | Иқтисодиёт вазирлиги | | | |
| | ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашишга йўналтирилган «Менинг бизнес ғоям» ва «Ёш тадбиркор — мамлакат таянчи» танловларининг минтақавий ва республика босқичларини ўтказиш; | Йил мобайнида | Марказий банк, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, тижорат банклари | 1 150 000,0 | Банклар кредитлари | |
| | ёш оилаларга, тадбиркор аёлларга, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун коллежларнинг битирувчиларига кредитлар ажратиш; | Йил мобайнида | Марказий банк, тижорат банклари | 315 000,0 | Банклар кредитлари | Тадбирлар режасини тасдиқлаш. Битирувчи қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этишни рағбатлантириш ва оила даромадларини кўпайтириш. |
| | оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш; | Йил мобайнида | Марказий банк, тижорат банклари | 10 000,0 | Банклар кредитлари | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2015/2016 йиллар коллежларни битирувчиларининг тадбиркор қизлари орасида «2016 йилги тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларини мукофотлашга бағишланган тантанали тадбирни ўтказиш, уларни 40 та ижтимоий аҳамиятли бизнес лойиҳалар билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. | 2016 йил декабрь | Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | | Банклар кредитлари, бажарувчилар маблағлари | Тадбирлар режасини тасдиқлаш. Битирувчи қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этишни рағбатлантириш ва оила даромадларини кўпайтириш. |
| 53. | Қуйидагилар:<br>Бухоро ва Урганч шаҳарларида ёшлар марказларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш; | Йил мобайнида | «Камолот» ЁИҲ, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари | 8 000,0 — Бухорода; 5 000,0 — Хоразмда | «Камолот» ЁИҲ, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Маданий дам олишни ташкил этиш ва интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни вояга етказишга, ёшларнинг, айниқса қизларнинг ижодий истеъдодлари ва қобилиятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш. |
| | «Камолот» ёшлар оромгоҳини ва Тошкент вилоятида ёш оилалар учун «Камолот» дам олиш зонасини реконструкция қилиш; | | «Камолот» ЁИҲ, Тошкент вилояти ҳокимлиги | 9 400,0 | «Камолот» ЁИҲ маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Тошкент шаҳрида «Камолот» ёшлар истироҳат боғини реконструкция қилиш йўли билан интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни вояга етказишга, ёшларнинг, айниқса қизларнинг ижодий истеъдодлари ва қобилиятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш. | | «Камолот» ЁИҲ, Тошкент шаҳри ҳокимлиги | 4 000,0 | «Камолот» ЁИҲ маблағлари | |
| **VIII. Соғлом болани вояга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаб, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш** | | | | | | |
| 54. | Қуйидаги йўллар билан мактабгача таълим муассасалари тармоқларини, энг аввало, қишлоқ туманларида янада ривожлантириш, шунингдек болаларни мактабда ўқитишга тайёрлаш даражасини ошириш:<br>286 та мактабгача таълим муассасаларининг, энг аввало, томини, дераза ва эшикларини, сув ва энергия таъминоти тизимларини, шунингдек иситиш тизимларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш;<br>ўйин майдончалари ташкил этиш, мактабгача таълим муассасалари ҳудудларини ободонлаштириш ва атрофини ўраш;<br>нодавлат мактабгача таълим муассасаларини, айниқса республиканинг вилоят марказлари ва шаҳарларида ривожлантириш ва шарт-шароитлар яратиш;<br>болаларни мактабда ўқитишга тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама камолга етказиш бўйича қўшимча дастурлар ишлаб чиқиш. | Йил мобайнида<br><br>2016 йил III чорак | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари | 195 123,0<br><br>17 160,0 | Давлат бюджети маблағлари<br><br>Ҳомийлар ва маҳаллий ҳокимликлар маблағлари | Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамровни кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ошириш. |
| 55. | Болалар мактабгача таълим ва бошқа тегишли муассасаларини жиҳозлаш учун сотиб олинадиган инвентарлар, мебеллар, шу жумладан ўқув, ўқув-лаборатория | Йил мобайнида | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта | | | Болаларнинг таълим олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ускуналарига талаблар ва стандартларни ривожланган мамлакатларда тўпланган илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, уларнинг эргономиклигини, қўллашга қулайлигини ва фойдаланишга хавфсизлигини, узоқ муддат қўллаш мумкин бўлган ва зарарсиз материалларни ва энергия жиҳатидан самарали технологияларни қўллаш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиш. | | махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | | | |
| 56. | Болаларда интеллектни мантиқий фикрлаш ҳамда моторикани эрта ривожлантириш мақсадида:<br>2016 — 2018 йилларда 3000 та мактабгача таълим муассасасини кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар, мантиқий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминлаш;<br>1620 та мактабгача таълим муассасасини мебеллар жамламаси, ўйин ва спорт бурчаклари, ўқув-методик материаллар ва 50 номдаги бадиий адабиёт билан таъминлаш. | | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | 2 000,0<br>10 392,0 минг АҚШ доллари | Бюджет маблағлари<br>Таълимда глобал шериклик (ТГШ) маблағлари | Болалар мактабгача муассасаларини ўқув-методик материаллар ва таълим-тарбия жараёнининг сифатини оширувчи ресурслар билан таъминлаш. |
| 57. | 87,3 минг ўқувчи ўрни бўлган 28 та янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 та мактабни реконструкция қилиш ва 105 та мактабни таъмирлаш, уларни ўқув мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш. | Йил давомида | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 463 814,0 | Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Умумтаълим мактабларида ўқитиш сифатини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1620 та умумтаълим мактабини компьютер синфи, шу жумладан интерактив электрон доскалар ва кондиционерлар билан жиҳозлаш. | | | 17 100 минг АҚШ доллари | ТГШ маблағлари | |
| 58. | 98 та болалар мусиқа ва санъат мактабини, шу жумладан жорий йилда 18 та мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва қўшимча жиҳозлаш ҳисобига болалар мусиқа ва санъат мактабларини болаларнинг ижодий салоҳиятини янада тўлиқ очиш, уларнинг мусиқа ва бошқа санъат турларини чуқур билиши, улар томонидан мусиқа ва тасвирий санъат соҳасидаги буюк жаҳон меросини билиш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган ҳолда уларнинг тармоқларини янада ривожлантириш. | 2016 — 2020 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 44 400,0<br><br>12 600,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари<br><br>Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари | Болалар мусиқа объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг мусиқа ва умумий маданиятини ошириш, болаларнинг мусиқага ва бошқа санъат турларига қизиқишларини ошириш, улар томонидан жаҳон мумтоз мусиқасини, жаҳонга машҳур бастакорлар ва рассомлар ижодини ўрганиш, ёш иқтидорли мусиқачиларни аниқлаш.<br><br>Мусиқа ўқитувчиларини, олий таълим муассасалари профессорларини жалб этган ҳолда болаларнинг ҳар томонлама ижодий камол топиши учун янги ўқув қўлланмалари ва тўпламларини тайёрлаш ва яратиш. |
| | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун 15 номдаги ўқув қўлланмалари ва тўпламларини нашр этиш. | 2016 йил I чорак | Халқ таълими вазирлиги | 677,3 | Бюджет маблағлари | |
| 59. | Мактабгача таълими билан қамраб олинмаган 3 — 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида: | | Халқ таълими вазирлиги, ЮНИСЕФ, Молия вазирлиги, «Маҳалла» фонди | | | Болаларни мактабга тайёрлашни яхшилаш.<br>Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда мактабгача таълим билан қамраб олинмаган 3 — 6 ёшдаги болаларни аниқлаш.<br>Мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинмаган 3 — 6 ёшли болаларнинг ота-оналари учун 7 та номдаги (ҳикоялар ва эртаклар) тўп- |
| | мактабгача ёшдаги фарзандлари бор 200 минг оилани 6 номдаги эртак ва шеърлар тўпламлари ва ота-оналар учун фарзандларини мактабга тайёрловчи қўлланмалар билан таъминлаш; | 2016 йил II чорак | | 3 330,0 минг АҚШ доллари | Таълимда глобал шериклик (ТГШ) маблағлари | |
| | Мактабгача таълим муассасаларида мактабгача таълимга қамраб олинмаган | 2016 йил III чорак | | 4 643,5 | Давлат бюджети маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | болалар учун 1 620 та қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш. | | | | | ламларини тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатиш.<br>Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кўпайтириш. Болаларни мактабга тайёрлаш сифатини яхшилаш.<br>Умумтаълим мактабларида информатика ва хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш. |
| 60. | Умумтаълим мактабларини 26,1 млн нусхадан иборат бўлган 525 номдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш. Шу жумладан:<br>1 — 4-синфлар ўқувчилари ва ўқитувчиларини хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминлаш;<br>алоҳида фанларни чуқур ўрганган ҳолда ихтисослаштирилган мактабларнинг 5 — 9 синфлари учун физика ва математика бўйича 33069 нусхадан иборат бўлган 6 та номдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш;<br>3-синф ўқитувчиларини таълим ва тарбия сифатини яхшилаш учун мультимедиали иловалари бўлган методик адабиётлар билан таъминлаш. | 2016 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги | 54 625,0 | Республика бюджети маблағлари — 20 475,0<br><br>Республика мақсадли китоб фонди маблағлари — 34 150,0 | Умумтаълим мактабларининг кутубхона фондини тўлдириш, ўқувчиларни ихтисослаштирилган мактабларда алоҳида фанларни чуқур ўрганиши учун дарсликлар жамламалари, шу жумладан хорижий тиллар бўйича дарсликлар билан таъминлашни яхшилаш. |
| 61. | Болаларнинг хорижий тилда мулоқотда бўлишини қуйидаги йўллар билан янада ривожлантириш:<br>«Болажон» телеканалида сеанслар ва намойиш қилиш вақтини кўпайтирган ҳолда мультфильмлар ва болалар бадиий фильмларини хорижий тилдаги оригиналини намойиш қилиш;<br>«Дунё бўйлаб» телеканалида хорижий билиш дастурларини намойиш этиш; | Доимий | МТРК, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | «Болажон» телеканалида сеанслар ва намойиш қилиш вақтини кўпайтирган ҳолда мультфильмлар ва болалар бадиий фильмларининг хорижий тилдаги оригиналини намойиш қилишни таъминлаш; шунингдек «Дунё бўйлаб» телеканалида билиш дастурлари намойишини таъминлаш.<br>Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун хорижий тиллар ихлосмандлари |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | умумтаълим мактабларида хорижий тиллар ихлосмандлари клубларини ташкил этиш. | Доимий | МТРК, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 50,0 | | клубларини, уларда ўқувчилар, ўқитувчилар ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича олий ўқув муассасалари талабалари иштирокини ташкил этиш. |
| | Шу билан бир қаторда қуйидагилар назарда тутилади:<br>янги ўқув йилигача 4-синф учун инглиз тили дарслигини нашр этиш ва ўқувчиларга етказиш; | Доимий | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | - | | |
| | ўқитувчиларни касбий маҳоратни оширишнинг ҳар ҳафталик курсларида ўқитишни давом эттириш, шунингдек умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида ўтказиладиган «Энг яхши хорижий тиллар ўқитувчиси» республика танлови ғолиблари учун хорижда тажриба орттиришларни ташкил этиш. | Йил мобайнида | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | - | | Умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш учун ўқитувчиларни рағбатлантириш. |
| 62. | 2016 — 2020 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва нашр этиш бўйича дастурнинг лойиҳасини тайёрлаш ва бунда республикада инглиз тилида нашр этилган дарсликларни ишлаб чиқишда орттирилган илғор тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш:<br>умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини, биринчи | 2016 йил | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | | Республика мақсадли китоб фонди маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Умумтаълим мактабларида ўқув фанларини ўқитиш бўйича янги стандартларни ишлаб чиқиш.<br>Мактаб дарсликларини ва методик материалларни янгилаш.<br>Ўқувчилар томонидан ўқув фанларининг янада самарали ўзлаштирилишига ёрдам берадиган янги мультимедияли иловалар яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | навбатда, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш;<br>янги ўқув дастурлари ва замонавий иллюстрацияли дарсликларни, бошланғич синф ўқувчилари учун иш дафтари, мультимедияли диск илова қилинган ўқитувчи китобидан иборат ҳолда ишлаб чиқиш;<br>янги таълим стандартларини, ўқув дастурларини ва режаларини, энг аввало, дарсликлар ва мультимедияли иловаларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш учун Германия, Сингапур, Корея Республикаси ва Япониядан етакчи ўқув марказларини, ўқитишнинг тегишли соҳаларидаги халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш. | | | | | |
| 63. | 2016 — 2018 йиллар мобайнида умумтаълим мактабларининг кутубхона фондини лотин графикаси асосида яратилган ўзбек ва чет эл ёзувчиларининг бадиий адабиётлари, энциклопедиялар ва ўрганиш китоблари билан тўлдириш. | 2016 — 2018 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | 2016 йилда — 10 903,5 | Республика бюджети ва Республика мақсадли китоб фонди маблағлари | Бажарувчилар қарори.<br>Болалар интеллектини ривожлантириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш. |
| 64. | Аҳолига кўрсатиладиган ахборот-кутубхона хизматини янада ривожлантириш мақсадида Миллий кутубхона таркибига вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини филиал сифатида қўшиш, уларнинг республиканинг барча ахборот-ресурслари билан ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда:<br>маҳаллий муассасалар қиёфасини сифатли ўзгартириш, уларнинг фаолиятига мультимедия технологияларни жорий этиш йўли билан ёшларнинг илм олиш замонавий марказларига айлантириш; | 2016 — 2019 йиллар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги | 3 526,0 | Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагиларга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини тасдиқлашни назарда тутувчи қарори:<br>республикадаги барча кутубхоналарнинг, шунингдек мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳамда аҳоли дам олиш марказларининг ахборот-ресурс бўйича ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;<br>2016 — 2019 йилларда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган мумтоз жаҳон ва ўзбек адабиёти асарлари қадимий қўлёзмаларининг рақамли нусхаларини яратиш, уларни турли манбаларда (матбаа, аудиовизуал, электрон ва бошқа манбаларда) нашр этиш ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш. | | | | | мустаҳкамлаш, уларни замонавий мультимедия воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек маълумотлар ва махсус дастурий таъминлаш базаларини сотиб олиш;<br>ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш. |
| 65. | Ўзбек адабиётини оммалаштириш ва аҳолини жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари билан таништириш мақсадида барча минтақаларда, уларда биринчи навбатда миллий бадиий адабиётларни сотиш мақсадида «Китоб олами» китоб дўконлари тармоқларини очиш. | 2016 йил мартда — минтақавий марказларда 2016-2017 йиллар мобайнида — туман марказларида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, ЎзМАА, «Китоб олами» маърифат комплекси | Бизнес-режа ишлаб чиқилишига кўра аниқлаштирилади | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. |
| 66. | Ўқувчилар ўртасида фанлар олимпиадалари ўтказиш тизимини пухта таҳлил қилиш асосида уларни ўтказишнинг қатъиян янги тартибини ишлаб чиқиш, бунда натижаларни баҳолаш мезонларига, шунингдек қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:<br>халқаро олимпиадаларда иштирок этиши учун энг иқтидорли ўқувчиларни танлаш механизмини такомиллаштириш;<br>етакчи мутахассис-педагогларни жалб этган ҳолда, халқаро олимпиадаларда қатнашиш учун талабгорларни махсус тайёрлашни ташкил этиш. | Йил мобайнида | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги | 86,3 | Давлат бюджети маблағлари | Иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш. Муваффақиятли натижалар ҳисобига мамлакатнинг халқаро аренадаги нуфузини оширишга улуш қўшилади. Уларнинг ўқитишнинг навбатдаги босқичига ўтиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш. |
| 67. | Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унда ёзги мавсум бошлангунгача қурилиш-таъмирлаш ишларини тугаллашни назарда тутиш: | | Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши | 34 803,1 шулардан: | Касаба уюшмалари маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сурхондарё вилоятида 200 ўринли «Амударё соҳили» янги болалар оромгоҳини қуриш;<br>Андижон вилоятидаги «Боғишамол» болалар соғломлаштириш оромгоҳини реконструкция қилиш;<br>Сурхондарё вилоятидаги «Бешбулоқ Сурхон-Шеробод» болалар оромгоҳини реконструкция қилиш;<br>Хоразм вилоятидаги «Автомобилчи» болалар оромгоҳини реконструкция қилиш;<br>Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида аквапарк қуриш. | 2016-2017 йиллар<br>2016 йил<br>2016 йил<br>2016 йил<br>Йил мобайнида | Навоий кон-металлургия комбинати | 20000,0<br>2800,0<br>500,0<br>7503,1<br>4000,0 | НКМК маблағлари | Объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли дастурини тасдиқлаш.<br>Болалар дам олиш объектларини қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш ва жиҳозлаш.<br>Болалар соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш.<br>Болаларнинг дам олиш билан қамраб олинишини ва самарадорлигини ошириш.<br>Бажарувчи қарори.<br>Болаларнинг дам олиши учун замонавий шароитлар яратиш. |
| 68. | 1100 та болалар оромгоҳлари базасида ўқувчиларнинг ёзги таътилини самарали ташкил этиш мақсадида:<br>болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва бўш вақтини самарали ўтказиши, болалар шахсини ривожлантириш, уларда қизиқишларни уйғотиш, билимини мустақил ошириши ва ижодий меҳнати учун қобилиятини ривожлантириш, лаёқатли, иқтидорли болаларни аниқлаш учун шароитларни яхшилашга ёрдам берадиган болалар соғломлаштириш (интеллектуал ривожлантирадиган, спорт-соғломлаштирадиган, ҳарбий-спорт, ўлкашунослик ва ихтисослаштирилган) оромгоҳларининг ҳар қайси йўналиши учун мазмунли ҳордиқни ташкил этишнинг намунавий дастурларини ишлаб чиқиш.<br>290 минг нафар болани имтиёзли, шунингдек қуйидагиларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш: | 2016 йил март-апрель | Халқ таълими вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Молия вазирлиги, «Маҳалла» фонди, «Камолот» ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 8 000,0 шу жумладан: Давлат бюджети ҳисобига — 1 700,0, «Маҳалла» фонди ҳисобига — 300,0, касаба уюшмалари ҳисобига — 12 000,0, маҳаллий бюджетлар, ҳомийлар, иш берувчилар ҳисобига — 34 000,0 | Давлат бюджети, ҳомийлар, касаба уюшмалари ва «Маҳалла» фонди маблағлари | Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг якка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқиш.<br>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ёз даврида болаларни соғломлаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлиси баёни.<br>Ёзги таътиллар даврида болаларнинг тўлақонли дам олиши ва ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 4,0 минг нафар Оролбўйи минтақаси болаларини — давлат бюджети маблағлари ҳисобига;<br>эҳтиёжманд оилалардаги 700 нафар болани — «Маҳалла» фонди ҳисобига;<br>500 нафар иқтидорли болаларни ва «Меҳрибонлик» уйларидаги 2000 нафар болаларни — касаба уюшмалари маблағлари ҳисобига;<br>кам таъминланган оилалардаги 40 минг нафар болани — жамоавий шартнома ва битимлар орқали таъминлаш. | 2016 йил июнь — август | | | | |
| 69. | Қуйидаги болалар театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш:<br>«Томоша» болалар мусиқа театрига ажратилган бинони реконструкция қилиш;<br><br>Республика болалар қўғирчоқ театрини қуриш. | Йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, тижорат банклари, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | 1 500,0<br><br>Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш — 500,0 | 1 000,0 — «Асакабанк», 500,0 — «Алоқабанк»<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Болаларнинг маданий дам олишини ташкил этиш. |
| **IX. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирларини таъминлаш** | | | | | | |
| 70. | 13 та академик лицей ва 107 та касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини жиҳозлаш учун зарур ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва бошқа асбоб-ускуналар харид қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларни жиҳозлаш. | Йил мобайнида | ОЎМТВ, ЎМКҲТМ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 251 050,0 | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджет- | Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Болаларни ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | дан ташқари жамғарма маблағлари | |
| 71. | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш механизмини такомиллаштириш, ушбу жараённинг қуйидаги йўллар билан доимий мониторингини олиб бориш:<br><br>2015/2016 ўқув йилининг 478,9 минг битирувчилари билан 200,0 минг корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек таълим муассасалари маъмуриятлари ҳамда тегишли ҳудудлар ҳокимликлари ўртасида мажбурий тартибда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузиш чора-тадбирларини амалга ошириш;<br><br>ташкилотлар ва корхоналарнинг кенг иштирокида ёшларни касбга самарали йўналтиришга, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун «Таълим ва мутахассислик» ҳудудий ва республика кўргазмаларини ўтказиш;<br><br>ишга жойлашган битирувчиларнинг маълумотлар электрон базасини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш; | <br><br>2016 йил I чорак<br><br>2016 йил I — III чораклар<br><br>2016 йил апрель — сентябрь | <br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, ЎМКҲТМ, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси<br><br>ЎМКҲТМ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари<br><br>ЎМКҲТМ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир- | - | - | Бажарувчиларнинг қуйидагиларга йўналтирилган қарорлари:<br>ёшларни бўлғуси касбини танлашига йўналтириш ишларига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлашишига кўмаклашиш;<br>ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг самарали мониторинг тизимини яратиш;<br><br>коллежлар битирувчиларини келгусида ишга жойлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишга имкон яратувчи, аниқ касблар бўйича битирувчиларга меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжни, уларнинг меҳнат бозоридаги ҳаракатини таҳлил қилувчи ахборот банкини яратиш;<br>меҳнат бозорида рақобат қила олиш имконияти бўлмаган, ижтимоий ҳимояга ва махсус меҳнат шароитларига муҳтож шахсларга қўшимча кафолатлар бериш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | квоталанган иш ўринлари белгиланган ташкилотларнинг манзилли рўйхатларини шакллантирган ҳолда имконияти чекланган шахслар (ногиронлар), кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш. | Йил мобайнида | лиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | | | |
| 72. | Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган, лекин бошқа қонуний вакиллари (васийлари) бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари учун уларга таълим муассасасини битиришида ва ишга жойлашишида «Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобига тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида бир йўла нафақа беришни жорий этиш. | Ташкилий масалалар — 2016 йил I чорак, амалга ошириш — 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда | ЎМКҲТМ, ОЎМТВ, ХТВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 2 000,0 | «Маҳалла» фонди ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган, лекин тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ва нафақа тўлаш назарда тутилган шахсларни «Маҳалла» фонди томонидан танлаб олиш, шунингдек нафақани тўлаш тартибини белгиловчи қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжати. |
| 73. | Ёш оилаларни қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватлаш:<br>ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш;<br>ёш оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш. | Йил мобайнида | Тижорат банклари, Марказий банк | <br>230 000,0<br>60 000,0 | Банклар кредитлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Ёш оилаларга моддий ёрдам бериш. |
| 74. | Ёш оилаларга қуйидаги йўллар билан моддий ёрдам кўрсатиш:<br>2000 та ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва | Йил мобайнида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, бошқа ташкилотлар | 37 000,0 иш берувчилар ҳисобига — 30 000,0 | Иш берувчилар ва касаба уюшмалари маблағлари | Жамоа шартномалари ва битимлари.<br>Ёш оилаларга моддий ёрдам бериш, иш берувчилар масъулиятини ошириш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратиш;<br>кам таъминланган ёш оилалардан 50 000 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатиш. | | | иш берувчилар ҳисобига — 4 000,0<br>касаба уюшмалари ҳисобига — 3 000,0 | | |
| **X. Дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш** | | | | | | |
| 75. | Болаларни тарбиялашда катта авлод билимлари ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, ёшларга анъаналар ва миллий қадриятларнинг ажралмаслигини тушунтириш мақсадида «Икки авлод учрашуви» тадбирларини ташкил этиш;<br>Тўнғич авлод вакилларининг олийжаноблик, инсонийлик ва Ватанга, халққа садоқат каби фазилатларни ривожлантириш мақсадида, маҳаллада 30 йилдан ортиқ яшаган, ўз меҳнати ва жамиятда эришган обрўси билан намуна бўлган оилаларнинг турмуш тарзи ва ҳаётий тажрибасини оммалаштиришга йўналтирилган «Эъзоз», «Эҳтиром» тадбирлари, суҳбатлар ва учрашувларни маҳаллаларда ташкил этиш ва ўтказиш. | Йил мобайнида | «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Оила» маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёшлар тарбиясида кексалар билимлари ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг анъаналар ва миллий қадриятларни асрашдаги иштирокини кучайтириш. |
| 76. | Қуйидагиларни назарда тутувчи қўшма тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш йўли билан ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялаш масалаларида оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш:<br>ўқувчиларни таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, ўқитиш сифати юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш; | 2016 йил I чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар | - | - | Шерикларнинг тадбирлари режаси.<br>Ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялаш масалаларида оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини ривожлантириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ўқувчиларни қизиқишлар бўйича тўгараклар машғулотларига кенг жалб этиш; | йил мобайнида | вазирлиги, «Маҳалла» фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ Маънавият тарғибот маркази | | Бажарувчилар ва хайр-эҳсон кўрсатувчилар маблағлари | |
| | таълим муассасалари ва фуқаролар йиғинларини «Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги» мавзуидаги ахборот материаллари билан таъминлаш; | 2016 йил II чорак | «Маҳалла» фонди, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 200,0 | | |
| | оилалардаги маънавий муҳитни ўрганиш мақсадида ўсмирлар ўртасида «Оила — менинг тасаввуримда» мавзуида ижтимоий сўров ўтказиш; | 2016 йил III чорак | «Ижтимоий фикр» жамоат маркази | 100,0 | | |
| | мактаб ўқувчилари ўртасида «Маҳалла — менинг тақдиримда» кўрик-танловини ўтказиш. | 2016 йил IV чорак | «Маҳалла» фонди, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний жамғармаси | | | |
| 77. | «Маҳалла» фондининг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги бўлимлари қошида аёлларга психологик, маънавий, ҳуқуқий ва тиббий маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш мақсадида «Аёллар учун маслаҳат маркази» ташкил этиш. | 2016 йил II ярим йиллик | Тегишли вилоятлар ҳокимликлари, «Маҳалла» фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Молия вазирлиги, «Оила» маркази, ННТ | 500,0 | Бажарувчилар маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг протоколи.<br>Ижтимоий-психологик, тиббий кўмакка муҳтож аёлларнинг мослашуви учун шароитлар яратиш, реабилитация хизматларини яхшилаш. |
| 78. | Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш, турли авлодлар ўртасидаги муносабатлар, болалар ва ёш оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва тушунтириш ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ва хотин-қизлар бирлашмалари, катта обрўга эга бўлган кекса авлод вакилларининг кенг иштирокини, жумладан, қуйидаги йўллар билан таъминлаш: | | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Маҳаллла» фонди | | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Бажарувчилар қарори.<br>Аҳолини, айниқса ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.<br>Маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалардаги оналарга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 642,1 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув буюмлари комплектлари (12 номдаги) кўринишидаги Президент совғаларини топшириш;<br>кам таъминланган оилаларнинг 403,3 минг нафар фарзандини қишки кийимлар билан таъминлаш;<br>имконияти чекланган 9,9 минг нафар болани уйида таълим олишлари учун ўқув буюмлари билан таъминлаш;<br>14 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақа, шунингдек фарзанди икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш учун нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш. | 2016 йил III-IV чорак<br>2016 йил III-IV чорак<br>Йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Маҳалла» фонди | 28 560,0<br>34 000,0<br>320 000,0<br>770 000,0 | | |
| 79. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз вазифасини масъулият ва виждонан бажараётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини қуйидаги тарзда қўшимча рағбатлантириш тартибини жорий этиш:<br>йилига бир марта лавозим маоши миқдорида мукофотлаш;<br>йилига бир марта лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам бериш. | | «Маҳалла» фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 12 622,3 | Бюджет маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори.<br>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида оилаларни, шу жумладан аёлларни ва қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларига жалб этилган ходимларни рағбатлантириш. |
| 80. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни асраш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш бўйича кенг кўламли тушунтириш ишларини | Йил мобайнида | ЎзМАА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТМ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар | 150,0 | «Ижод» жамғармаси маблағлари, бажарувчилар маблағлари | Соғлом фарзандни вояга етказиш, оилани мустаҳкамлаш масалалари бўйича китоблар туркуми ва видеофильм тайёрлаш.<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан уларнинг барча фуқароларнинг ўзини |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | олиб бориш мақсадида «Соғлом она-соғлом бола» (3 номда) китоблар тўпламини нашр этиш ва «Оила тинчи — ҳаёт севинчи» видеофильмлар тўпламини чиқариш, уларнинг барча фуқаролар йиғинлари ва таълим муассасаларига бепул тарқатилишини таъминлаш. | | Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | | | ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасаларига етказилишини таъминлаш. |
| **XI. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш** | | | | | | |
| 81. | «Соғлом она ва бола йили» брошюрасини тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда унга қуйидагиларни киритиш:<br>Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. | 2016 йил I чорак | ЎзМАА, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи | Харажатлар сметасига мувофиқ | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Бажарувчилар қарорлари.<br>Аҳолининг барча қатламларига «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг кўламда етказиш. |
| 82. | Аҳоли барча қатламлари ўртасида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг қуйидаги йўналишлар бўйича мақсад ва вазифалари ҳақида кенг тушунтириш ишларини ташкил қилиш:<br>оммавий ахборот воситаларида қуйидаги махсус рукнларни ташкил этиш: «2016 йил — Соғлом она ва бола йили», «Соғлом бола соғлом оила меваси», «Болалар спорти», «Соғлом бола — келажагимиз», «Буюк аждодларимиз», «Соғлом оила», «Никоҳ ва оила», «Таълим ва ёшлар», «Маҳалла ҳар бир бола учун масъул», «Фарзандлари соғлом юрт»;<br>«Ахборот», «Таҳлилнома», «FCN», «Оқшом тўлқинларида», «Давр», «Давр | Йил мобайнида | МТРК, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ЎзА, ЎЗМАА, ЭОАВМА, оммавий ахборот воситалари, Мустақил босма ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, давлат ва жамоат бошқа ташкилотлари | 450,0 | Бажарувчилар маблағлари | Тадбирларни ўтказиш жадвали.<br>Аҳоли ўртасида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг вазифалари ва уни амалга ошириш натижалари ҳақида кенг тушунтириш ишларини ўтказиш. Унинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳафта ичида», «Хабарлар», «Бугун», «Диёр янгиликлари», «Вилоят ҳафта ичида», «7 кун» ахборот дастурлари;<br>«Соғлом она ва бола» Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ роли ва аҳамияти» мавзусида республика видеоконференциясини ўтказиш. | | | | | |
| 83. | Қуйидагиларни:<br>«Соғлом она ва бола йили: моҳият ва аҳамият» мавзусида тарғибот материалларини тайёрлаш;<br>талаба ёшлар учун Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-услубий тўпламни чоп этиш ва шу асосда махсус курсни ўқитишни ташкил этиш орқали «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини бажариш доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳимлиги ва аҳамиятини аҳоли барча қатламларига етказишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот тадбирларини ташкил қилиш. | 2016 йил март-апрель | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎМКҲТМ, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Тасвирий ойина» ИУ, МТРК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар | 150,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчилар қарорлари.<br>Услубий қўлланма ва ўқув-услубий тўплам.<br>«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини аҳоли онгига етказиш. Аҳолининг Давлат дастурининг амалга оширилиши хусусида хабардорлигини ошириш. |
| 84. | Интернет тармоғининг оммавий ижтимоий тармоқларида мамлакатимизда ёшлар сиёсати қандай амалга оширилаётгани ва унинг натижалари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чоралар, жумладан, «Соғлом она ва бола йили»га бағишланган тадбирлар, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашга қаратилган бошқа ахборот материалларини ёритишга бағишланган саҳифаларни яратиш. | Йил мобайнида | «Камолот» ЁИҲ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 60,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчилар қарорлари.<br>Мамлакатимизда ёшлар сиёсати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг тушунтириш ишларини ўтказиш ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 85. | «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида 50 дан ортиқ ижтимоий роликлар яратиш ва уларни ЭОАВМА аъзоси бўлган теле ва радиоканалларда, жумладан, кабель телевидениеси провайдерлари орқали камида 5 минг марта намойиш қилишни ташкил этиш. | IV чорак | ЭОАВМА, «Ўзбекистон кабель телевидениеси» МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази, ЎзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ЁИҲ, МТРК, Журналистлар ижодий уюшмаси. | 150,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари | Бажарувчилар қарорлари.<br>Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, «Соғлом она — соғлом бола» миллий ғоясини кенг оммалаштириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш. |
| 86. | «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам»;<br>«2016 йил — Соғлом она ва бола йили» мавзусида плакатлар тўпламини нашр этиш. | 2016 йил I чорак | Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маънавият» нашриёти, «Тасвирий ойина» ИУ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | 200,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтириш ва интеллектуал даражасини ошириш, маънавият, маърифат, азалий миллий қадриятлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, санъат ва спорт оламига жалб қилиш. |
| 87. | «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан ўтказиладиган фестиваль ва семинарлар доирасида бадиий ва фотокўргазмалар ташкил қилиш. | Йил мобайнида | Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойина» ИУ, Бадиий академия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 10,0 | Бажарувчилар маблағлари | Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 88. | Хорижда замонавий ахборот технологиялари ва йўлдош алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш натижалари ҳақида тизимли ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш. | Йил мобайнида | МТРК, ТИВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги, ЎзА, «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, ЎзМАА | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг тадбирлар режа-жадвалини тасдиқлаш бўйича қарорлари.<br>«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш натижалари ҳақида жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш. |

2016 йилда Дастурни амалга оширишга жами харажатлар:
7483,3 млрд сўм ва эквивалентда 194 млн АҚШ доллари.

улардан:

| | | сўмларда | | эквивалентда АҚШ доллари |
|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари | — | 4281,0 млрд сўм | — | 3,0 млн АҚШ доллари |
| Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | — | 1062,8 млрд сўм | — | 3,0 млн АҚШ доллари |
| Тижорат банкларининг кредитлари | — | 1911,4 млрд сўм | — | |
| Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар | — | 228,1 млрд сўм | — | 188 млн АҚШ доллари |

WWW.LEX.UZ